2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

16 (618)

2008 йил 16 апрель

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Ўғлонларнинг сараси армия сафида

▶ Қандаҳорда яна қўпорувчилик

3 ▶ Яраштириш комиссиясига юмуш етарли

▶ Кўчабоши ҳар юмушнинг бошу қошида

4 ▶ Олтин қасрнинг олтиндан «совути» бор эди

▶ Радиотўлқинда «жаранг сочган» қўшиқми ёки..?

Саҳифада

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ў.И.БАРНОЕВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Ўктам Исоевич Барноев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 15 апрель

Самарқанд вилояти кенгашининг сессияси

Шу йил 15 апрель куни Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Бугунги кунда бунёдкор Самарқанд аҳли ҳаётимизнинг кўпгина соҳа ва тармоқларида катта ютуқ ва натижаларни қўлга киритаётганини алоҳида таъкидлаш зарур, деди Юртбошимиз.

Маълумки, Самарқанд ўзининг иқтисодий-ижтимоий салоҳияти билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган етакчи вилоятларимиздан бири ҳисобланади. Буни мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 6,3 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 13 фоиздан зиёди, хизматлар ва сервис соҳасининг 8 фоизи бугун мана шу вилоят ҳиссасига тўғри келаётганида ҳам кўриш мумкин.

Эътиборли томони шундаки, ана шундай салоҳият йилдан-йилга ортиб ва мустаҳкамланиб, вилоят иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина 2007 йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 10,5 фоизга, саноат маҳсулотлари 24,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги 6,3 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаси 37 фоиз, экспорт ҳажми эса 35 фоизга ошгани ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди. Масалан, саноат соҳасини оладиган бўлсак, ўтган йилнинг ўзида бу ерда 21 та янги корхона ташкил этилиб, 10 та корхонада ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилгани, соҳа ривожига 10 миллион АҚШ доллари ва 1 миллиард 400 миллион сўм миқдорида хорижий ва маҳаллий инвестициялар жалб қилиниб, 1000 дан ортиқ янги иш ўрни яратилгани эътиборга лойиқ, албатта. Ана шундай корхоналарда кимёвий толалар, қурилиш материаллари ва мотор мойи сингари маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, айниқса, автомобилсозлик саноати янги босқичга кўтарилганини алоҳида қайд этиш керак.

Бугунги кунда "СамАвто" заводида японялик ҳамкорлар иштирокида ишлаб чиқарилаётган "Исузу" автобуслари ва юк автомобиллари нафақат мамлакатимиз, балки дунё бозорида ҳам ўз харидорини топмоқда. Ҳозирги пайтда ушбу корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида яқин вақт ичида бу ерда йилига 12 минг дона автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш имкониятига эга бўламиз.

Қадимдан тадбиркорлик ва ишбилармонлик фазилатлари билан ном қозонган Самарқанд заминида кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам ривожланиб бормоқда. Ўтган йил давомида бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 66,4 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 36 мингдан ортиб, вилоят бўйича ташкил этилган жами янги иш ўринларининг 83 фоизи, иш билан банд бўлган аҳолининг эса 75 фоизи айнан шу тармоқ ҳиссасига тўғри келаётганини ижобий баҳолаш зарур.

Самарқанд вилоятининг мамлакатимиз агросаноат мажмуида ўзига хос муҳим ўрин эгаллашини барчамиз яхши биламиз. Ҳозирги кунда вилоятда 24 мингдан зиёд фермер хўжалиги самарали фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда бу борада ҳуқуқий, моддий ва молиявий жиҳатдан зарур шарт-шароитлар, тегишли инфратузилмалар яратиб берилгани бу соҳани кенг ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлмоқда. Ўтган йили воҳада етиштирилган пахтанинг юз фоизи, ғалланинг эса 80 фоизи фермер хўжаликлари томонидан тайёрлангани фермерлик ҳаракати чиндан ҳам ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани, унинг имкониятлари ва истиқболи катта эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Умуман олганда, 2007 йилда вилоят бўйича 255 минг тоннадан зиёд пахта, 690 минг тонна ғалла, 834 минг тонна сабзавот, 184 минг тонна мева, 296 минг тонна узум етиштирилганини бугун миннатдорлик билан тилга оламиз.

Биз учун устувор масала бўлмиш ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар ҳақида гапирадиган бўлсак, 2007 йили Самарқанд вилоятида 900 минг квадрат метр уй-жой барпо этилиб, 72 километр табиий газ, 195 километр ичимлик суви тармоқлари ишга туширилганини қайд этиш ўринлидир, деди давлатимиз раҳбари. Ана шундай ишлар натижасида ҳозирги кунда вилоятда аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 88 фоиздан ошгани, албатта, бу борада салмоқли қадам қўйилганини кўрсатиб турибди.

Ўтган йили вилоятда 27 минг ўқувчи таълим оладиган 67 та мактаб, 15 минг 400 ўринли 12 та касб-ҳунар коллежи, магистрал йўллар, замонавий меҳмонхоналар, янги-янги тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, савдо ва маиший объектлар фойдаланишга топширилгани нафақат Самарқанд шаҳри, балки бошқа шаҳар ва туманларнинг ҳам обод бўлиб, қиёфаси тобора очилиб боришига ҳисса қўшмоқда.

Давоми 2-саҳифада ➡

Наманган вилояти

Саховатпешаларданмиз

«ҲАМКОРБАНК»нинг ҲИММАТИ

Наманган шаҳридаги «Ёшлар» мажмуасида ўн тўққиз нафар кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйи бўлиб ўтди.

«Ҳамкорбанк»нинг вилоят филиали ташаббуси билан ўтказилган мазкур тантанага вилоятдаги барча молия муассасалари бош қўшди.

— Бугунги тўй оиламиз учун унутилмас хурсандчилик бахш этди, — дейди Чуст шаҳридаги Навбаҳор маҳалласи фуқаролар йиғинида яшовчи Санобар Исоқжонова. — Турмуш ўртоғим оламдан ўтганидан кейин қариндош-уруғларимиз қатори маҳалла фаоллари ҳам доим ҳолимиздан хабар олиб туришибди. Байрамларда алоҳида эътибор билан йўқлашни ҳам унутишмайди. Уч нафар фарзандим бор. Кенжа ўғлим Равшанбекнинг хатна тўйини катта тантана билан ўтказиб берган барча ташкилотчилар, ҳомийларга катта раҳмат.

Кечада тўйболаларга улар номига маблағ қўйилган омонат дафтарчалари, қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди.

М.ҚОДИРОВА,
«Mahalla» мухбири.

— Яна нима дейсиз?
— Сурхонлик полвонлар дунёга довруғ солмоқда.

Сурхондарё вилояти

ҲАҚБЕРДИ ОТА ЁШ ПОЛВОНЛАРГА САБОҚ БЕРАДИ

Жарқўрғонлик Ҳақберди ота Норбоев ўзбек миллий кураш анъаналарини авлодларга етказиш ишига катта ҳисса қўшиб келаётган полвонлардан бири. Ҳақберди ота фахрийлар ўртасида кураш бўйича жаҳон чемпионатида қатнашиб, «жаҳон чемпиони» деган юксак унвонга сазовор бўлган. Отахон Сурхон воҳасида ўзбек миллий кураши мактабини ташкил этиш ташаббускорларидан бири. Ҳозирги кунда ушбу масканда 140 нафардан ортиқ йигит-қиз миллий курашимиз сир-асрорларини ўрганмоқда. 82 ёшли Ҳақберди отадан сабоқ олган ўнлаб ёш полвонлар мамлакатимиз ва халқаро микёсдаги нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

— Ёшларимизнинг курашга бўлган қизиқиши, ютуқларга эришиш йўлидаги ғайрат-шижоатини кўриб кўнглим қувончга тўлади, — дейди отахон. — Юртбошимизнинг раҳнамолигида миллий курашимиз қайта қадр топгани, оламга довруғ солганига шукроналар айтаман.

СУРАТДА: *Ҳақберди ота Норбоев спорт усталари Муродилла Қаршиев ва Мамажон Аҳмедов ҳамда бир гуруҳ курашчи қизлар даврасида.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Замонавий қулайликлар

Қашқадарё вилояти

«ЭЗГУЛИК» МАРКАЗИ

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятимиз ҳаётидаги фаол ва тўлақонли иштирокини таъминлаш, уларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар эътирофга лойиқ.

Вилоятда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ҳокимлиги ва БМТнинг аҳолишунослик фонди ҳамкорлигида «Эзгулик» аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилди.

Марказнинг очилиш маросимида Республика Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар янги тузилма олдига аёллар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий-ҳуқуқий хизмат кўрсатиш, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оила институтларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар томонлама етук келажак авлодни тарбиялашдек муҳим вазифалар қўйилганлигини қайд этдилар. Шунингдек, янги марказда ёш қизларни ўқитиш, уларга ҳунар ўргатиш ишлари ҳам йўлга қўйилганлиги алоҳида таъкидланди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Жиззах вилояти

ЗАРГАРЛИКда "ЗАМОНА ЁШЛАРИ"

Яқинда Жиззах шаҳридаги Заргарлик маҳалласи ҳудудида иш бошлаган мажмуа "Замона ёшлари" номи билан аталди.

Энг муҳими, вилоят ҳокимлигининг амалий ёрдами билан қайта таъмирдан чиқарилиб, Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси тасарруфига берилган мазкур мажмуада аҳолига хизмат кўрсатиш турлари кўпайди.

Эндиликда мажмуа қошида фаолият юритаётган бизнес марказида ёш тадбиркорларнинг ҳуқуқий маслаҳатлар олиши, интернет тармоғи орқали зарур ахборотларни тўплаши, консалтинг хизматидан фойдаланиши ҳамда ўз маҳсулотларини намойиш қилиши учун барча имкониятлар яратилган.

"Замона ёшлари"да теннис корти ишлаётгани боис, спортнинг ушбу турига қизиқувчи ёшлар сони тобора ортиб боряпти. Тез кунда бу ерда "Олтин копток" мусобақаларини ўтказиш режалаштирилган.

А.ҚАРШИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

ҲАҚИҚАТДА ҚВП

Охунбобоев шаҳридаги туман тиббиёт бирлашмаси бўлимларидан бирининг биноси мукаммал таъмирланиб, олти миллион сўмлик тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Бирлашманинг мазкур бўлими вилоятдаги Хўжаобод, Булоқбоши ва Жалақудуқ туманларининг аҳолиси учун қон ва унинг компонентларини тайёрлаб, уларни хавфсизлик талаблари асосида сақлашга хизмат қилади.

— Президентимиз ва республика ҳукуматининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштиришга доир фармон ва қарорлари амалда изчил ижро этилмоқда, — дейди Жалақудуқ тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Алижон Тошбоев. — Хусусан, ўтган йилларда 22 та қишлоқ врачлик пункти, туғруқ мажмуаси «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида 96 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Яқинда эса туманнинг Ҳақиқат қишлоғида врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Шу кунларда тиббиёт бирлашмасининг лаборатория хизмати ва шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари юқоридаги лойиҳа асосида қайта жиҳозланмоқда.

Бундан ташқари, туманда 2012 йилгача бўлган дастур асосида бирлашманинг 60 ўринли болалар, 40 ўринли жарроҳлик, 80 ўринга мўлжалланган ички касалликлар бўлимларини ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, мавжуд 9 та шифо маскани бинолари ва 11 та қишлоқ врачлик пунктларида мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

У.САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Бўлинма ташаббуси

Бухоро вилояти

Шофирконда янги хиёбон

Юртимиздаги барча қишлоқ ҳамда маҳаллаларда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилиб, аҳоли яшаш масканлари янада чирой очмоқда.

Шофиркон тумани марказида муқаддас қадамжо — Хожа Ориф моҳи тобон Ар-Ревгарий зиёратгоҳи жойлашган. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида мазкур зиёратгоҳ ҳудудида кенг кўламдаги қурилиш ҳамда таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

«Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси ташаббуси билан бошланган бу хайрли тадбир тумандаги тадбиркор ва саховатпеша инсонлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Айни кунгача зиёратгоҳ ҳудудига кўплаб гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди ва барпо этилажак хиёбонга пойдевор қўйилди.

— Бу хайрли тадбирни амалга ошириш учун 2 миллион сўм атрофида маблағ зарур бўлади, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Ботир Олимов. — Лойиҳага кўра, зиёратгоҳ ҳудуди девор билан ўралади. Унинг кириш қисмига маҳобатли дарвоза ўрнатилиб, иккита фаввора қурилади. Бир сўз билан айтганда, зиёратгоҳ яхлит мажмуа кўринишига келтирилади.

Ҳамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

Диққат, кўрик-танлов

Маълумки бугунги кунда фуқаролар йиғинлари ҳузурида фаолият юритаётган яраштириш комиссияларининг соғлом авлодни камол топтириш, фуқароларнинг оилада, маҳаллада осойишта ва ҳамжиҳатликда яшашини таъминлаш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этишдаги ҳиссаси катта.

Шу боис, мазкур комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ва улар орасидан самарали иш олиб бораётганларини аниқлаб, комиссия иш тажрибасини фуқаролар йиғинлари ўртасида оммалаштириш талаб этилади. Бинобарин, яраштириш комиссияларининг фаолиятини янада жонлантириш ҳамда самарадорлигини оширишда улар ўртасида кўрик-танловлар ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга. Шуларни назарда тутган ҳолда «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида «Фуқаролар йиғинларининг энг фаол яраштириш комиссияси» республика кўрик-танлови эълон қилинмоқда. Мазкур кўрик-танлов низоми билан

3-саҳифада ➡ ***танишасиз.***

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Самарқанд вилояти кенгашининг сессияси

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Шундан сўнг Ислом Каримов Самарқанднинг катта салоҳиятини, бу ерда ҳали-ҳануз очилмаган ва ишга солинмаган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, бугун вилоятда қўлга киритилган марралар билан кифояланиб бўлмаслигига эътиборни қаратди. Президентимиз бу фикрнинг исботи сифатида ҳозирги кунда Самарқанд вилояти республика эришган ўртача кўрсаткич ва ютуқлардан баъзи бир етакчи соҳаларда орқада қолаётганини таъкидлади ва қуйидагиларни қайд этиб ўтди.

Агар ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 24 фоиз бўлган бўлса, Самарқандда бу кўрсаткич анча паст, яъни 10,5 фоизни ташкил этди. Айтиш керакки, бундай ҳолат бир вақтлар Тошкент шаҳридан кейин индустрия ривожига энг катта ҳисса қўшиб келган Самарқанд шаҳри ва умуман, вилоятнинг улкан имкониятлари даражасида эмас.

Ҳеч кимни қониқтирмайдиган бундай аҳволни ўзгартириш авваламбор замонавий саноат корхоналарини, янги индустрия иншоотларини қуриш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва илғор технология билан қуроллантиришни талаб қилади. Лекин, таҳлиллар шуни кўрсатадики, айнан мана шу муҳим йўналишда Самарқанд вилоятида оқсоқлик кузатилмоқда. Яъни, умумий капитал маблағларининг индустриянинг асосий фондларини кўпайтиришга ва умуман, қурилиш соҳасига йўналтирилган улуши республикамиз миқёсида 23 фоиз бўлгани ҳолда, Самарқанд вилоятида бу кўрсаткич бугунги кунда 7 фоизни ташкил қилади, холос.

Кейинги пайтда вилоятдаги саноат корхоналарининг аксариятида ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайиб, уларнинг иқтисодий аҳволи оғирлашиб бораётгани барчамизни ташвишлантириши табиий, албатта, деди Юртбошимиз. Шу борада юртимизда холодильник ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона корхона бўлмиш "Сино" акциядорлик жамиятидаги ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Катта салоҳиятга эга бу корхонада кўп йилдан буён ишлаб чиқариш имкониятларининг фақатгина 5-10 фоизи миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, Самарқанд лифтсозлик заводида 2007 йили бор-йўғи 303 та лифт тайёрлангани, натижада корхона ночор молиявий аҳволга юз тутгани ҳам одамни афсуслантиради.

Айни пайтда вилоятда илгари хусусийлаштирилган бир қанча саноат корхоналаридаги аҳволни ҳам ижобий баҳолаш қийин. Масалан, 58 та ана шундай корхонадан 36 таси ҳозирги вақтда тўла қувват билан ишламаётгани, 22 таси эса мутлақо фаолият кўрсатмаётгани жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда аввал ҳам кўп марта айтилган бир фикрни яна такрорлашга тўғри келади. Яъни, бугунги кунда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилмасдан ва замонавий технологияларни олиб келмасдан туриб, бундай корхоналарни оёққа турғизиб бўлмайди. Афсуски, бу масалага ана шундай муносабат ҳали ҳам кўпчилик раҳбар ва мутасаддилар онгида шаклланган йўқ. Буни ўтган йили мамлакатимиз бўйича ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг атиги 1,5 фоизи Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келгани, Қўшработ, Нарпай, Оқдарё ва Булунғур туманларида бу борада ҳеч қандай иш қилинмагани ҳам исботлаб турибди. Энг ачинарлиси, Иштихон ва Нуробод туманларида 2005 йилдан буён чет эл инвестицияси иштирокида биронта ҳам корхона ташкил этилмаган.

Янгича фикрлаш ва ташаббуснинг етишмаслиги туфайли вилоятдаги "Каттақўрғон ёғ-мой", "8 март", "Нафис" акциядорлик жамиятлари, "ЎзБАТ" корхонасининг Ургут филиали, "Амин инвест интернейшнл" қўшма корхоналари ҳам оғир аҳволга тушиб қолган.

Бундай ҳолатнинг сабаблари ҳақида гапирганда, вилоятдаги кўпчилик корхоналарнинг асбоб-ускуналари ва дастгоҳлари ниҳоятда эскириб қолганини қайд этиш лозим. Мисол учун, "Гранит" ва "Каттақўрғон ёғ-мой" корхоналарида асосий ишлаб чиқариш воситаларининг эскириш даражаси 80 фоизни ташкил этмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу соҳада вужудга келган бундай салбий аҳволни тубдан ўзгартириш мақсадида бугунги кунда аниқ режа ва дастурлар ишлаб чиқилаётгани ҳақида тўхталиб, жумладан, қуйидаги лойиҳаларга эътиборни қаратди.

Аввало, Хитойнинг "Хаер" компанияси билан ҳамкорликда "Сино" корхонасини қайта реконструкция қилиш ва шу асосда бу ерда йилига ўртача 330 минг дона холодильник ва кондиционер ишлаб чиқаришга эришиш лойиҳаси устида иш олиб борилаётганини айтиш зарур. Шунингдек, Самарқанд лифтсозлик заводини ҳам модернизация қилиш ҳисобидан бу ерда кейинги икки йилда 2,5 минг дона юк ва одам ташийдиган замонавий лифт ишлаб чиқариш устида амалий ишлар бошлаб юборилди.

Юқорида тилга олинган заводлар ва шулар қаторида бошқа йирик корхоналарни реконструкция қилиш, бунинг учун чет мамлакатлардан тегишли сармоя, маблағ ва технологияларни олиб келиш масаласида вилоят ҳокимлиги, умуман, шу ишга мутасадди бўлган раҳбарларнинг ҳиссаси сезилмаётгани, улар кўп ҳолларда фақат кузатувчи бўлиб ўтиргани сессияда афсус билан қайд этилди.

Бугунги кунда жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж кескин ошиб бораётганидан, ўйлайманки, барчамиз яхши хабардормиз, деди Ислом Каримов ўз фикрини давом эттириб. Шундай ҳолатни инобатга олиб, юртимиздаги кенг имкониятлардан фойдаланиб, экспорт ҳажмини ошириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, вилоятдаги мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган 12 та заводни модернизация қилиш режаси ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, Тайлоқ, Самарқанд, Пайариқ, Булунғур ва Оқдарё туманларидаги агрофирмалар ва фермер хўжаликларига 15 та мини-технологияни жорий этиш кўзда тутилмоқда. Натижада мазкур туманларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини 32 фоиздан 43,5 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. Лекин Самарқанд воҳасида мавжуд бўлган қайта ишлаш корхоналари фаолиятига баҳо берар эканмиз, бу борада ҳам жиддий муаммолар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, Пахтачи ва Каттақўрғон туманларида ҳозиргача мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган биронта корхона ташкил этилмагани, яхши ният билан тузилган агрофирмаларнинг кўпчилиги самарасиз фаолият кўрсатаётгани, албатта, ҳеч кимни қониқтирмайди.

Сессияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида вилоят эришган ижобий натижалар билан бирга, бу борада ўз ечимини топмасдан келаётган муаммолар юзасидан ҳам зарур фикр ва хулосалар баён қилинди.

Бугунги кунда вилоятдаги мавжуд кичик бизнес субъектларининг 71 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида, қарийб 10 фоизи савдо ва умумий овқатланиш йўналишида фаолият кўрсатмоқда. Лекин айни пайтда замонавий тараққиётни белгилаб берадиган саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа, ахборот хизматлари, кўчмас мулк операциялари каби тармоқлар бўйича уларнинг улуши паст даражада қолмоқда.

Вилоят иқтисодиётидаги бундай камчилик ва нуқсонлар, табиийки, молиявий аҳволга ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Ҳозирги вақтда ҳудуддаги 16 та шаҳар ва тумандан 11 таси дотацияда бўлиб, айниқса, Қўшработ, Булунғур, Пайариқ, Тайлоқ, Иштихон, Каттақўрғон ва Пастдарғом туманларида дотация даражаси юқори бўлиб турибди.

Президентимиз ўз нутқида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш борасида долзарб бўлиб турган вазифалар ҳақида атрофлича тўхталиб, вилоят ҳокимидан тортиб мелиорация соҳасида ишлаётган барча мутахассисларгача бир тану бир жон бўлиб, ишни тўғри ташкил этиши, махсус пудратчи ташкилотлар тузиш, ажратилган молиявий ресурслардан оқилона ва самарали, мақсадли фойдаланишга эришиш каби масалалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини уқтириб ўтди.

Бундай мақсадларга эришиш вилоят ва туман раҳбарларидан, соҳа мутахассисларидан ташкилотчилик ва қатъиятлик, шижоат ва сафарбарликни талаб қилади, деди Ислом Каримов. Бу ҳақда гапирганда, такрор ва такрор айтишга тўғри келади: бизнинг мақсадимиз – ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳисобидан нафақат далада ишлаётган деҳқон ва фермерларнинг фаровонлигини юксалтириш, балки бутун халқимизнинг эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, мамлакатимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли таъминлаш ва экспортга йўналтирилган товарлар ҳисобидан валюта даромадларимизни кўпайтиришдан иборат.

Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган барча дастурлар, тадбир ва ҳаракатлар авваламбор, аҳолининг оғирини енгил қилиш, унинг фаровонлигини ошириш, янги босқичга кўтаришга қаратилган, деди Юртбошимиз. Агар шу кўз билан Самарқанд воҳасида ижтимоий соҳада мавжуд бўлган аҳволни баҳолайдиган бўлсак, бу йўналишда ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Биргина коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида дебиторлик қарзларини камайтириш бўйича етарли чора-тадбирлар кўрилмагани оқибатида уларнинг миқдори ҳозирги кунда 180 миллиард сўмдан ошиб кетгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Вилоятдаги 200 та уй-жой мулкдорлари ширкати 1 минг 340 та кўп қаватли уйга хизмат қилмоқда. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу ширкатларнинг аксарияти номигагина тузиб қўйилган. Шунинг натижасида 1991 йилгача қурилган 125 та кўп қаватли уйни капитал таъмирлаш ишлари 2007 йилда 61 фоизга бажарилган бўлса, жорий йил режасига киритилган 125 та уйда бу ишлар ҳанузгача бошланмаган. Яъни, ана шу уйларда яшайдиган юзлаб одамларни кўпдан буён қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича ишлар ўлда-жўлда қолиб келмоқда.

Биз учун нафақат ижтимоий, айни пайтда, сиёсий аҳамиятга эга бўлган аҳолини иш билан таъминлаш масаласини оладиган бўлсак, вилоятда бу соҳада ҳам қатор камчиликлар борлигини таъкидлаш зарур. 2007 йил якунларига кўра, вилоятда ишсизлар сони 64 минг кишини ташкил этган бўлса-да, бандлик хизматлари идораларидан расман рўйхатдан ўтганлар сони озчиликни, яъни 1 минг 652 кишини ташкил қилади.

Давлатимиз раҳбари доимий, барқарор иш ўринлари яратиш масаласи биринчи галда ҳокимликлар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг кундалик эътибори ва назоратида бўлиши шартлигини таъкидлади.

Бугун Самарқанд вилоятида мавжуд бўлган аҳволни атрофлича таҳлил қилар эканмиз, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, авваламбор зиммасига юксак вазифа, шу билан бирга, ўта катта масъулият юкланган вилоят раҳбари фаолиятига танқидий баҳо беришимиз ҳар томонлама ўринли бўлади, деди Юртбошимиз.

Агар шу нуқтаи назардан қараб, вилоят раҳбари вазифасини бажарувчи А.Баҳромовнинг иш фаолиятини кўздан кечирадиган бўлсак, минг афсуски, уни ижобий баҳолаш қийин.

Маълумки, бу шахс 2005 йилнинг охирида Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тайинланган эди. Уни бу вазифага тайинлашда мутахассислиги, олдинги иш фаолияти, жумладан, Вазирлар Маҳкамасида анча вақт масъул лавозимларда хизмат қилгани, 2003-2005 йилларда эса "Ўзбекенгилсаноат" уюшмасида раҳбар бўлиб ишлагани ҳисобга олинган эди. А.Баҳромовга бу вазифани топширар эканмиз, у вилоятнинг собиқ ҳокими Мамаризо Нурмуродовнинг иш фаолияти самарасини оширишга, айниқса, Самарқандда катта салоҳиятга эга бўлган енгил саноат тармоғини янги босқичга кўтариш, иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган саноат корхоналарини оёққа турғизишга ҳисса қўшади, умуман, вилоят иқтисодиёти ривожига янги туртки беради, деб умид қилган эдик, деди Президент.

Охирги пайтда М.Нурмуродовнинг саломатлиги ёмонлашгани, вилоятнинг биринчи раҳбари вазифасини бажаришга ҳар томонлама куч-қуввати етмаганини инобатга олиб, Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2006 йил декабрь ойида бўлиб ўтган сессиясида уни ўз вазифасидан озод қилишга тўғри келган эди. Айни пайтда А.Баҳромов Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи этиб қўйилган эди. Нима учун айнан вазифани вақтинчалик бажарувчи, деб қарор қабул қилинди, деган масала ҳақида тўхталар экан, Юртбошимиз қуйидаги фикрларни алоҳида уқтириб ўтди.

Чунки Самарқанддек бой ва кўҳна тарихга, улкан салоҳиятга, авваламбор, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган йирик бир вилоятга раҳбарлик қилиш нақадар мураккаб ва масъулиятли эканини барчамиз яхши тушунар эдик. Бошқача айтганда, бу ўта муҳим вазифа раҳбар олдига қандай юксак талаблар қўйишидан келиб чиққан ҳолда, бу шахс ўз устида ишлаб, вилоят фаоллари ва депутатларига, мутахассисларга суяниб-таяниб, билмаганини ўрганиб, шу асосда тажриба орттириб, воҳанинг муаммоларини ечиш, вилоятнинг обрўйига обрў қўшишда бутун борлиғини бериб ишлайди, деб ўйлаган ва синов тариқасида уни шу лавозимга тайинлаган эдик.

Аммо, бугун афсус билан айтиш керакки, ана шу лавозимга ўтиши, қўлида катта ваколат пайдо бўлиши, олдида янги имкониятлар очилиши билан бу одамнинг боши айланиб, оёғи ердан узилиб, бошқаларнинг, аввало, ўз муовинлари, вилоят ташкилотларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, жамоатчиликнинг фикри билан ҳисоблашмасдан, манманлик ва ўзбошимчаликка берилиб кетгани, бир сўз билан айтганда, ўзига нисбатан талабчанлик ва назоратни йўқотгани намоён бўла бошлади. Айниқса, унинг иш услубида бошқаларни менсимаслик, ўзини ҳаммадан устун қўйиш, қўполлик ҳолатлари кучайиб боргани кўплаб эътирозларга сабаб бўлаётгани ҳам сир эмас.

Энг номаъқул томони шуки, унинг хатти-ҳаракатларида эл-юрт ишонч билдирган раҳбарга мутлақо тўғри келмайдиган аломатлар, яъни одоб ва ахлоқ нуқтаи назаридан кўпчиликка ўрнак бўлиш ўрнига, бу талаблардан йироқ бўлиб юриш, маънавий чегарадан чиқиш ҳеч чидаб бўлмайдиган даражага етиб борганини кўп мисоллар тасдиқлайди. Нафс балосига гирифтор бўлиб, қинғир-қийшиқ, жиноий ишларга берилиб кетган шахслар ва тўдалар билан Баҳромовнинг алоқалари қалинлашиб кетгани, қўпорувчи ишлар билан шуғулланувчи шахсларга унинг оталиқ қилгани кўп нарсани, авваламбор, унинг ҳақиқий ички дунёсини ифодалайди.

Албатта, вилоятнинг биринчи раҳбари томонидан йўл қўйилган ўзбошимчалик, бундай хунук ҳолатлар ҳақида бугун кўпгина маълумотларни келтириш мумкин ва ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси бўйича вақти-соати билан қонун асосида баҳо берилади ва жамоатчиликка маълум қилинади.

Табиийки, вилоят раҳбарининг ана шундай хатти-ҳаракатлари, масъулият ва жавобгарликни бутунлай унутиб қўйгани бу ҳудуддаги ишларнинг аҳволига, маънавий муҳитга, энг ёмони, ҳокимиятнинг обрў-эътиборига, одамларнинг адолатга бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳаётнинг ўзи шуни тасдиқлаб берадики, юқори поғоналарда тартиб-интизом, талабчанлик бўшашиб, ўзибўларчиликка йўл очиб берилса, жойларда ўз вазифасини суиистеъмол қилишлар, порахўрлик ва бузғунчиликка йўл очилади. Шунинг учун ҳам фақат кейинги пайтнинг ўзида вилоятда 10 нафар раҳбарни алмаштиришга тўғри келди.

Бу ҳақда гапирганда, ўз иш фаолиятида жиддий нуқсонларга йўл қўйгани учун Иштихон тумани ҳокими Х.Шукуралиевнинг эгаллаб турган лавозимидан озод этилганини, Каттақўрғон шаҳрининг собиқ ҳокими Д.Маматқулов эса ўз мансаб вазифасини суиистеъмол қилиб, давлат мулки бўлган қатор объектларни қонунга хилоф тарзда хусусий фирмаларга бериб юборгани, 300 миллион сўм миқдоридаги бюджет маблағининг мақсадсиз сарфланишига йўл қўйгани учун суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилганини айтиш лозим.

Айтиш керакки, биз бундай ҳолатлар билан ҳеч қачон муроса қилмаганмиз ва бундан кейин ҳам муроса қилмаймиз. Бу ҳақиқатни ҳамма қулоғига кўрғошиндек қуйиб олиши керак. Қонун барча учун баробар. Ўзбекистонда доимо тартиб бўлган, бундан кейин ҳам тартиб бўлади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А.Баҳромов Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Ўктам Барноев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Самарқанд аҳли ҳамиша олижаноб мақсадлар билан яшашга ўрганган, ўз кучи ва салоҳиятига ишониб, ғурур билан яшаб келаётган халқ. Ўзининг ҳалол меҳнати, азму шижоати, изланувчанлиги билан ҳар қандай қийинчилик ва синовларни енгиб, улкан марраларни эгаллашга қодир халқ. Ишончим комилки, сизлар, бутун воҳа меҳнаткашлари вилоятнинг янги раҳбари атрофида бирлашиб, белни маҳкам боғлаб, мавжуд муаммоларни тез орада бартараф этиб, Самарқанднинг обрў-эътиборини янада юксалтиришга албатта эришасизлар. Бунинг учун сизларда ҳамма нарса – билим ва тажриба ҳам, ташаббус ва изланиш, қатъият ва интилиш ҳам етарли, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Сессияда сўзга чиққан Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ректори Темур Ширинов, вилоят «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Матлуба Турдиева, Каттақўрғон туманидаги Пайшанба шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Самариддин Аҳмедов, Жомбой туманидаги «Фармасам Ко ЛТД» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Камолиддин Маҳмудов ва бошқалар Президентимиз нутқида ҳар томонлама таҳлил этилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, барча соҳаларда ишни замон талаблари асосида ташкил қилиш, ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш суръатларини янги босқичга кўтариш, ана шу эзгу мақсад йўлида ҳамжиҳатлик билан фидокорона меҳнат қилиш энг муҳим ва долзарб вазифа эканини таъкидладилар.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида жойлашган Имом Бухорий мажмуига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари бу ерда Имом Бухорий номидаги ҳадис илми маркази ўқитувчи ва талабалари билан суҳбатлашди. Ушбу марказ фаолиятини такомиллаштириш, ўқув ва тарбия жараёнини чуқурлаштириш, талабалар учун ўқув ва яшаш шароитларини янада яхшилаш юзасидан тавсиялар берди.

/ЎзА/

Қарор ва ижро

ЙИГИТЛАР — АРМИЯ САФИГА

Мамлакатимизда Президентимизнинг 2008 йил 3 мартда қабул қилинган "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарори асосида жойлардан сараланган йигитлар Қуролли Кучларимиз сафларига кузатилмоқда.



Фарғона вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ҳарбий хизматга отланган йигитларнинг тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда ҳарбийлар, чақирилувчиларнинг ота-оналари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан Юртбошимиз ташаббуси билан Қуролли Кучларимиз тизимида катта ислоҳотлар олиб борилмоқда. Айниқса, профессионал армияни шакллантириш, етук ҳарбий кадрлар тайёрлаш борасида салмоқли ишлар қилинди. Бугун армия сафида хизмат қилиш, ҳар бир йигитнинг шарафли бурчи, эзгу мақсадига айланмоқда.

Айни пайтда Фарғона вилоятида ҳам жиддий танлов асосида сараланган ҳар томонлама соғлом ва баркамол, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук йигитлар муддатли ҳарбий хизматга жўнатилмоқда.

— Бугун менинг фарзандим ҳам Ватан ҳимоясига отланмоқда, — дейди бағдодлик Холида опа Орипова. — Бу барчамиз учун ҳам катта шараф. Ўғлим билдирилган ишончни оқлаб, юрт тинчлиги учун садоқат билан хизмат қилса, бизнинг ҳам юзимиз янада ёруғ бўлади.

Тадбир сўнгида хизматга отланаётган йигитларга ташкилотчи ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.
Абдувосит ҲАЙДАРОВ
олган сурат.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

АФҒОНИСТОН:

11 НАФАР ПОЛИЦИЯЧИ ҲАЛОК БЎЛДИ

«Толибон» жангариларининг мамлакатнинг Қандаҳор вилоятидаги полиция постига уюштирган босқинчилик ҳаракати оқибатида полиция ходимларидан бир нафари оғир жароҳатланган, 11 нафари эса ҳаётдан кўз юмган.

Полиция маҳкамаси вакили Муҳаммад Рауфнинг сўзларига кўра, толибонларнинг бу хатти-ҳаракатлари олдиндан режалаштирилган. Кечаси улар полиция пости биносига бостириб кириб, у ердагиларга ўт очишади.

Бундай ҳолат мамлакатда биринчи марта содир бўлаётгани йўқ. БМТнинг маълумотларига кўра, ўтган йили жангарилар томонидан 925 нафар полициячи ўлдирилган. Толибонларнинг босқинчилик ҳаракатлари оқибатида 2007 йилда жами 8 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган, дея хабар беради РАТА-ТАСС.

ИТАЛИЯ:

БЕРЛУСКОНИ — БОШ ВАЗИР БЎЛАДИ

Сильвио Берлускони блоки мамлакат парламентига бўлган сайловларда ғолиб сифатида расман тан олинди. France Presse агентлигининг хабар беришича, мамлакат Ички ишлар вазирлиги томонидан эълон қилинган сайловнинг сўнгги натижалари шуни кўрсатмоқда.

Шунингдек, Берлускони коалицияси Италия Парламентининг юқори палатаси — Сенатдан 168 та ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Сенат сайловларида унинг блоки учун жами 15,5 миллион фуқаро ёки сайловчиларнинг 47,3 фоизи овоз беришган. Худди шундай ҳолатни депутатлар Палатасида ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда улар 340 та ўринга эга бўлишди.

Ҳозирда медиамагнат ва сиёсатчи Берлускони 71 ёшда, бироқ шунга қарамай, у мамлакат сиёсий майдонидаги энг фаол сиёсатчилардан бири ҳисобланади.

АҚШ:

ОБАМАнш УСАМА билан АДАШТИРИШДИ

Associated Press агентлигининг раҳбарларидан бири АҚШ президентлигига номзод бўлган Барак Обаманинг фамилиясини террорчи Усама бин Ладеннинг исми билан адаштириб юборди, дея хабар берилади CNNнинг интернетдаги сайтида.

Ҳар йили журналистлар билан анъанавий тарзда ўтказиладиган учрашув чоғида Дин Синглтон Барак Обамага Афғонистонда АҚШ ҳарбийлари сафини янада кенгайтириш заруриятн ҳақида савол берар экан, у ерда «Толибон» ҳаракатининг кундан-кунга авж олаётгани, «Обама бин Ладен» эса ҳамон эркинликда юрганини таъкидлади.

Синглтон томонидан йўл қўйилган ушбу хатони Иллинойс штати сенатори Барак Обама тўғрилаб қўйди ва ҳазил оҳангида, журналистларнинг доимий равишда уни бин Ладен билан адаштиришларига қарамай, шу пайтгача президентлик учун курашишда давом этиб келаётганидан ўзи ҳам ҳайрон эканлигини билдирди.

Дарҳақиқат, Обаманинг Усама билан чалкаштирилиши биринчи марта эмас, аввалари ҳам содир бўлган. Хусусан, жорий йилнинг февраль ойида NBC телеканалидаги кўрсатувлардан бирида бошловчи сайловолди кампанияси ҳақида гапираётганида экранда бин Ладеннинг суратини кўрсатиб юборишган эди. Ундан олдинроқ CNN телеканали ходимлари томонидан худди шундай хатога йўл қўйилган. 2007 йилнинг октябрь ойида эса республикачилар вакили Митт Ромни ҳам Обама билан Усамани адаштирган эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.

Маслаҳатчи иш тажрибасидан

"КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС"

бу мақолга амал қилган маҳалла аҳлининг кўпчилиги маслаҳат сўраб маслаҳатчига мурожаат қилишади

...Ишдан эндигина қайтган Замира опа қўнғироқ товушини эшитиб, кўча эшиги томон йўналди. "Ким бўлдийкин? Ё яна Наргизамикин? Шу келин қайнонаси билан ҳеч тил топиша олмади-да. Ишқилиб, тинчлик бўлсин", деган ўй ўтди хаёлидан. Дарвоза олдида турган аёлларни кўргач, кўнгли хотиржам бўлди, ташвишли юзига табассум югурди. Қўшни қишлоқлик тикувчи Мадинахон шогирди билан келибди. Салом-аликдан сўнг Замира опа меҳмонларни ҳовлидаги сўри томон бошлади.

— Ростини айтсам, олдингизга маслаҳатли юмуш билан келувдик, — гап бошлади Мадинахон. — Хабарингиз бор, қизимизнинг бўйи етиб қолди. Совчилар ҳеч ҳоли жонимизга қўйишмаяпти. Икром дўхтирнинг оиласи бизга маъқул бўлгандай. Дўхтирни-ку танийман, бамаъни одам. Аммо ўғлини яхши билмайман. "Кенгашли тўй тарқамас", нақлига амал қилиб, олдингиздан бир ўтай, дегандим.

— Келиб яхши қилибсиз, синглим. Мен бу оилани яхши биламан, — деди муддаони англаган Замира опа. — Ўқимишли, тушунган инсонлар. Камолжон ҳам ақлли-ҳушли, уйим-жойим дейдиган йигит. Ҳозир тадбиркорлик билан шуғулланяпти. Маҳалла ишларида фаол қатнашади, қўни-қўшнидан ёрдамини аямайди. Менимча, қизингизни шу оилага берсангиз, янглишмайсиз. Бироқ шошилманг, аввал йигит билан қиз учрашсин, бир-бирини ёқтирсин...

Нарпай туманидаги Чақар қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Ўзбекистон маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Замира Раҳимовага маҳалладошлари бу каби масалалар билан тез-тез мурожаат қилиб туришади.

— Албатта, ҳар томонлама тўкис, муаммосиз рўзғорнинг ўзи йўқ, — дейди Замира опа. — Муаммо аввало оилада бартараф этилиши керак. Хонадоннинг гапи кўчага чиққан тақдирда эса маҳалла фаоллари бепарво бўлмасликлари, аҳволни ўрганиб, чора-тадбир кўришлари лозим. Биз фуқаролардан тушган шикоят-аризаларни фаолларимиз иштирокида ўрганиб, ўз вақтида ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Жорий йилда "Ёшлар йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда ёшларимизнинг ҳуқуқий-сиёсий, тиббий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, турмушга тайёрлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш сингари масалалар бўйича иш олиб боряпмиз. Маҳалламизда янгидан ишга туширилган 2 та сартарошхона ва 2 та новвойхонада асосан ёшлар меҳнат қилишмоқда. 20 нафардан зиёд якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган чеварлар ўнлаб шогирдларига ўз ҳунарларини ўргатишмоқда. Фермер хўжаликларида эса 50 нафардан ортиқ ёшлар иш билан таъминланган. Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонидан сўнг 60 дан зиёд ёш оила истеъмол кредитларини олиб, турмуш шароитларини яхшилаб олишди.

Замира опа маҳаллада турли мавзуларга оид маданий-маърифий тадбирларни ўтказишга ҳам бош-қош. Айниқса, таълим муассасаларида соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда ўтказилаётган ўқув-семинар ва давра суҳбатлари қизиқарли ташкил этилаётгани билан ўқувчи-ёшларга манзур бўлмоқда. Бундан ташқари, оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни вояга етказиш борасида қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга молик. Унга мувофиқ туғиш ёшидаги аёллар ва мактаб ёшидаги болалар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, касаллиги аниқланган беморларни соғломлаштириш чоралари кўрилди.

Тўй, маърака-маросимларни ихчам ва камчиқим қилиб ўтказишда маҳалла фаолларига ҳаётий тажрибаси катта бўлган отахону онахонлар, кўчабоши, отинойи ва фаол аёллар яқиндан ёрдам беришмоқда. Қувончлиси шундаки, бу ташаббусни маҳалла аҳли ҳам якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, унга амал қила бошлади.

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий қилингани ҳамда бу лавозимга ҳар томонлама ўрнак қилиб кўрсатса арзигулик аёллар тайинланаётгани маҳалла осойишталигини таъминлашда, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунга Замира Раҳимованинг фаолияти орқали яна бир бор ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Самарқанд вилояти

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа мавзуси: «Ёшлар сиёсати амалга оширилишини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи».

Тизимда жамоат юмуши

Бухоро вилояти

Бухоронинг эски шаҳар қисмида жойлашган Жалол Икромий номидаги маҳалла бундан роппароса 70 йил муқаддам ташкил топган бўлиб, ҳудудида 17 та кўча мавжуд. Эътиборли томони шундаки, шаҳардаги тарихий обидаларнинг аксарияти ана шу маҳалла ҳудудида жойлашган

ҲАР КЎЧАДА БОШЧИ БОР!

— Маҳалламизда кўчабошилар фаолияти яхши йўлга қўйилган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Ҳасанов. — Хавфсизлик ва осойишталикни, маҳалла аҳлининг бир оила фарзандларидек ҳамжиҳат яшашларини таъминлашда уларнинг ҳиссаси катта. Чунки, кўчабоши ўзи истиқомат қилаётган кўчадаги ҳар бир фуқаронинг юриш-туришидан, фаолиятидан яхши хабардор. Қолаверса, кўчабошилар маҳалла ободончилиги ва ёшлар тарбиясида ҳам бизнинг яқин кўмакчимиз. Уларнинг ёрдами билан жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, ичкиликбозлик каби иллатларнинг олди олинмоқда, қайнона-келин, қўни-қўшнилар ўртасидаги муаммолар ўз вақтида ҳал этилмоқда. Шунингдек, кам таъминланган оилалар ва меҳр-мурувватга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоя қилишда белгиланган тартиб-қоидаларнинг бузилишига йўл қўйилмаяпти.

Айни пайтда маҳаллада беш нафар кўчабоши фаолият юритмоқда. Анвар Ҳакимов — намунали иш олиб бораётган кўчабошилардан. Узоқ йиллар мактабда ёш авлодга таълим-тарбия берган Анвар ака пенсияга чиққач, кўчабоши этиб сайланди. Унга Эшони Пир, Баҳоуддин Нақшбанд, Арабон ва Леви Бобохонов номидаги кўчалар бириктирилган.

— Жамоат ишини елкасига олган киши унинг масъулиятини ҳам ҳис этмоғи лозим, — дейди Анвар ака. — Одамлар сенга ишонса, бирон масала юзасидан маслаҳат сўраса, жамият учун кераклигингни ҳис этасан. Ишонч эса ҳалол меҳнат ва эзгу амаллар орқали қозонилади. Бу кўчабошининг самарали фаолият олиб бориши учун зарур шартлардан биридир.

Кўчабошиларнинг кўмагига таянган ҳолда яхши натижаларга эришиш мумкинлиги маҳалла тажрибасида синалган. Ўтган йили ажрашиш учун судга ариза билан мурожаат этган тўртта ёш оила кўчабошиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли муросага келишди. Кам таъминлаган, якка-ёлғиз кекса ва ногирон фуқароларга мунтазам ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиб келинмоқда. Эндиликда никоҳ тўйлари ортиқча сарф-харажат ва маросимларсиз бир кунда ўтказилмоқда. Худди шундай таъзия маъракалари ҳам анча ихчамлаштирилди. Маҳалла ҳудудидаги Матқосим Авлиё, Жалол Икромий, Баҳоуддин Нақшбанд номидаги кўчалар эса шаҳардаги энг кўркам ва ораста кўчалар деб топилди.

Вилоятга Япония, Франция, Англия каби хорижий мамлакатлардан ташриф буюраётган сайёҳлар халқимиз ҳаёти, миллий урф-одат ва анъаналари билан танишиш мақсадида маҳаллаларда бўлишади. Уларда жамоатчилик асосида иш олиб бораётган кўчабошилар фаолияти айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда.

Зеро, ўзини ўзи бошқариш тизими фаолияти самарадорлигини оширишда, аҳоли муаммоларининг жойида ҳал этилишида уларнинг иштироки нечоғлик муҳим эканлиги юқоридаги бир маҳалла мисолидаги ютуқларда ҳам ўз аксини топган.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА!

«...Агар ишлаб чиқарувчи (сотувчи) хавфли хоссаларга эга бўлган товарни қайтариб олиш юзасидан барча зарур чораларни кўрган бўлса, у истеъмолчи мазкур товардан фойдаланишни давом эттираверириши туфайли етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилинади...»

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасидан.

Олам

РАФФЛЕЗИЯ

Дунёдаги энг катта гул Индонезиянинг Ява ва Суматра оролларида ўсади.

Уни раффлезия дейишади. Раффлезия гулининг кўндаланг узунлиги бир метргача етади. Оғирлиги эса 6 килограммгача бўлиши мумкин.

ОДИМЛОВЧИ КАКТУС

Ўсимликлар орасида одимловчилари ҳам бўлар экан. Бу Перуан чўлларида учрайдиган «Андате» (одимловчи) кактусидир.

Қизиғи, ушбу ўсимликнинг илдизи ўрнида бир қанча ўткир тиғчалар мавжуд.

Шамол ёрдамида ҳаракатга келувчи «Андате» бир кунда анча узоқ масофани ҳам бемалол босиб ўта олади.

ТАРВУЗнинг ВАТАНИ

Тарвузнинг Ватани Жанубий Американинг Калаҳари саҳроси ҳисобланади.

Ажабланарлиси, маданийлаштирилган ҳозирги тарвузлар ёввойиларига нисбатан кескин ўзгариб кетган, яъни ёввойи тарвузнинг катталиги атиги олмадек келади.

«КЕКСА» КЕДР

Японияннинг Якусхима оролида дунёдаги энг «кекса» дарахт мавжуд бўлиб, унинг номи Кедр дев аталади.

Текширув ва тадқиқотлардан маълум бўлишича, айни пайтда «қария» кедр 7300 ёшда.

Р.БОЙТИЛЛАЕВ тайёрлади.

2008 йил — Ёшлар йили

Навоий вилояти

ЁШЛАР БОҒЛАРИ

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастури ижроси юзасидан вилоятда ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда вилоятнинг шаҳар ва туманларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида йигит-қизларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Яқинда Навоий Давлат Педагогика институти талаба-ёшлари ташаббуси билан шаҳардаги «Умид» кўрғонида «Ёшлар боғи» ташкил этилди. Қарийб саккиз гектар майдонга уч минг туп манзарали ва мевали дарахт, 50 минг туп анвойи гул кўчатлари ўтказилди.

— Талаба-ёшларимиз институтимиз атрофини кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам фаол қатнашди, — дейди институтнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Ризомат Ҳайитов, — «Ҳар бир ёшга бир ниҳол» ташаббуси билан чиққан йигит-қизлар институтимиз ҳудудига 6,5 минг туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, 80 минг туп гул ўтказдилар.

Навоий Давлат Кончилик институти талаба-ёшлари ҳам шаҳардаги «Гулистон» кўрғонида «Ёшлар боғи» барпо этишди. Шунингдек, Зарафшон шаҳри, Хатирчи, Қизилтепа, Навбаҳор, Кармана, Нурота, Конимех, Учқудуқ ва Томди туманларида ҳам ана шундай хушманзара масканлар яратилди.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.



Юртимизда спортни ривожлантириш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг спорт турларига бўлган қизиқишини уйғотиш ва ўз ўрнида спорт машғулотлари учун етарли шарт-шароит яратиш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, бугун қай гўшага борманг, муҳташам, замонавий спорт иншоотларининг болалар билан гавжумлигини кўрасиз.

Шунингдек, барча таълим масканларида ҳам турли спорт тўгараклари ташкил қилинган бўлиб, ҳар бир ёш ўзи истаган спорт тури билан шуғулланиш имкониятига эга. Марғилон шаҳридаги 32-мактаб ўқувчилар спортнинг футбол, волейбол, кураш, енгил атлетика, бадиий гимнастика каби йигирмага яқин тури бўйича машғулотларга фаол қатаншадилар.

СУРАТДА: *жисмоний тарбия ўқитувчиси Асилхон Юсупов мактабнинг ёш енгил атлетикачилари билан машғулот ўтказмоқда.*

Фарғона вилояти

Шерзод ҚОРАБОЕВ олган сурат.

Диққат, кўрик-танлов

"Фуқаролар йиғинларининг энг фаол Яраштириш комиссияси" республика кўрик-танлови НИЗОМИ

I. Кўрик-танловнинг мақсади

Кўрик-танлов халқимизнинг анъаналарига таянган ҳолда ҳар бир маҳаллада оилаларнинг тинч-тотувлигини таъминлаш, оилалардаги ижтимоий муҳитнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган турли салбий ҳолатларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, хусусан, фуқаролар йиғини таркибидаги Яраштириш комиссияси фаолиятида хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, ҳудудий профилактика инспектори, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари, шунингдек, маҳаллада истиқомат қилувчи намунали оилалар бошлиқлари, имом-хатиблар, фахрийлар ва нуронийларнинг фаоллигини ошириш ҳамда комиссия тўғрисидаги Низом қоидаларининг фуқаролар йиғини томонидан бажарилиши ташкил этилганлигини ўрганиш ва бу йўналишдаги илғор иш тажрибаларини, шунингдек, қишлоқ, овул, шаҳарча ва маҳаллаларда, оилаларда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, халқимизнинг маънавиятини юксалтириш, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш, никоҳдан ажралишлар ва оилаларнинг барбод бўлишига йўл қўймаслик, миллий қадриятларимизга зид ҳолда ахлоқ-одоб доирасидаги ножўя хатти-ҳаракатлар содир этаётган фуқароларни аниқлаш борасида олиб борилган ташкилий, амалий ишларни намунали даражада йўлга қўйган Яраштириш комиссияларининг фаолиятдаги ютуқларини кенг оммалаштириш мақсадида ўтказилади.

II. Кўрик-танлов шартлари

Кўрик-танловда қатнашиш учун фуқаролар йиғини Кенгаши йиғин ҳузуридаги Яраштириш комиссияси фаолият йўналишлари бўйича Низом қоидалари бажарилиши ҳамда фуқароларнинг оилада ва маҳаллада тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатликда яшашлари ҳамда оилавий келишмовчиликларнинг олдини олишда амалга оширилган, шунингдек, олиб бораётган ишлари ҳақида қуйидаги йўналишлар бўйича маълумотларни туман (шаҳар) ишчи гуруҳига тақдим этадилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Яраштириш комиссияси низоми қоидаларининг бажарилиши бўйича 2007-2008 йиллардаги чора-тадбирлар режаси ва унинг ижроси.

2. Маҳалла ҳудудидаги таълим муассасалари, кўча ва уй бошлиқлари билан биргаликда соғлом оилаларни шакллантириш, маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлашда фуқаролар йиғини кенгаши кенг жамоатчилиги билан ишлаш амалиёти.

3. Маҳаллада оилалардаги муҳитни ўрганиб бориш, оилаларнинг барча муаммоларидан хабардор бўлиш, оилавий зиддиятлар ва ажримларнинг олдини олиш, носоғлом муҳит юзага келган оилаларни аниқлаш, нотинч ва ноқобил ҳамда қийин аҳволда қолган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, шунингдек аниқланган муаммоларни бартараф этишда амалга оширилган ишлар мониторинги.

4. Ажримларнинг, айниқса ёш оилалар ўртасида никоҳнинг бузилиши ҳолатларининг олдини олишда маҳаллада йигит-қизларни ҳаётга руҳий-маънавий жиҳатдан тўлиқ тайёрлаш, уларда ҳаётга масъулият ҳиссини уйғотиш, ҳаётдаги вазифалари, никоҳ мажбуриятлари юзасидан масъул ташкилотлар ҳамкорлигидаги тарғибот ишлари.

5. Фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси ва ҳудудий профилактика инспекторлари ўртасида ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги ҳамда оилавий зиддиятлар, ажрим ҳолатларининг олдини олишда, оилада ота ва онанинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги ва эришилган натижалар.

6. Никоҳланувчиларнинг қонуний никоҳи қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳномага асосан шаърий никоҳ ўқилишига риоя этиш ҳамда бу йўналишда маҳаллада имом-хатиблар фаолияти.

7. Аҳоли ўртасида балоғат ёшига етмаган қизларни турмушга узатиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳамда туғма ногиронлик ва унинг олдини олиш ҳақида кенг тушунтириш ишлари.

8. Никоҳи бекор бўлган ва боқувчисини йўқотган аёлларни ва бундай оилаларда тарбияланаётган вояга етмаган фарзандларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишлар.

9. Умуминсоний миллий қадриятлар ва ибратли урф-одатларимизни такомиллаштириш, ўрганиш ва тарғиб қилиш, турли тўй-маросимларни ихчамлаштириш тадбирлари.

10. Фуқаролар йиғини кенгаши томонидан комиссия фаолиятини ўрганиш бўйича олиб борилган ишлар ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирларнинг белгиланганлиги ва ижроси.

Маълумотга Яраштириш комиссиясини ташкил этиш тўғрисида фуқаролар йиғининнинг қарори, комиссия таркиби ва комиссия аъзолари ўртасида белгиланган вазифалар тақсимоти, шунингдек, комиссия фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатлар (иш режаси, амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот, ўтказилган тадбирлар натижасида эришилган ютуқлар ҳамда оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганиш, никоҳи бекор бўлган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан амалга оширилган ишлар мониторинги ва 2003-2008 йиллардаги ажрим ҳолатлари ҳақидаги кўрсаткичлар, фотоальбом, плакат, стендлар тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликдаги иш режалари ва бошқалар) илова қилиниши лозим.

Маълумотга тегишли равишда фуқаролар йиғини кенгаши қарори, туман (шаҳар), вилоят «Маҳалла» жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси ва ички ишлар бўлимининг қўшма қарори ҳамда бошқа расмий ҳужжатлар илова қилинган ҳолда топширилади.

III. Кўрик-танловни ташкил этиш

Кўрик-танлов жойларда «Маҳалла» жамғармасининг вилоят, шаҳар, туман бўлим ва бўлинмалари, хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар идоралари ҳамкорлигида тузилган комиссиялар томонидан ўтказилади.

IV. Кўрик-танлов босқичлари

Кўрик-танлов уч босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич. Ҳар йили сентябрь-октябрь ойларида туман ва шаҳарларда тегишли кўрик-танлов комиссиялари томонидан ўтказилиб, бунда кўрик-танловда қатнашаётган ҳар бир фуқаролар йиғини ҳузуридаги Яраштириш комиссиясининг иш фаолияти ўрганиб чиқилади ва ҳудудлар бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб ғолиблар аниқланади. Туман (шаҳар)да биринчи ўринни эгаллаган Яраштириш комиссияси ҳужжатлари иккинчи босқичда қатнашиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади.

Иккинчи босқич. Ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида ўтказилиб, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳакамлар ҳайъати туман (шаҳар)да биринчи ўринни эгаллаган Яраштириш комиссияси фаолиятини яна бир бор жойига чиқиб ўрганади ва кўргазмали чиқишлар ташкил этади ҳамда вилоят бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб Яраштириш комиссиясини аниқлайди.

Учинчи босқич. Кўрик-танловнинг республика босқичи йил якуни бўйича ҳар йили январь ойида Республика комиссияси томонидан қуйидаги ҳудудларга бўлинган ҳолда ўтказилади.

I ҳудуд: Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари

II ҳудуд: Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари

III ҳудуд: Сирдарё, Жиззах, Навоий ва Бухоро вилоятлари

IV ҳудуд: Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.

Мазкур ҳудудларда биринчи ўринга сазовор бўлган фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиясининг иш фаолияти ва эришган ютуқлари Республика комиссияси томонидан ҳудудлар бўйича ўрганиб чиқилиб, ғолиб аниқланади.

V. Кўрик-танлов якунлари бўйича тегишли ҳужжатлар ва уларни тақдим этиш тартиби

Фуқаролар йиғини кенгаши кўрик-танловда қатнашган Яраштириш комиссияси фаолияти ҳақидаги ҳужжатларни кенгаш қарори ва керакли иловалар билан бирга тегишли туман (шаҳар) комиссияларига белгиланган муддатда тақдим этади.

Барча ҳужжатлар фуқаролар йиғини раиси ва ҳудудий профилактика инспектори томонидан имзоланган ҳамда маҳалла муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Туман, шаҳар комиссиялари тақдим этилган Яраштириш комиссияси ҳужжатларини кўриб чиқиб, биринчи ўринни эгаллаган комиссия ҳужжатларини фуқаролар йиғини кенгаши қарори, туман (шаҳар) кўрик-танлов якуни бўйича "Маҳалла" жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси ва ички ишлар бўлими қўшма қарори, кўрик-танловнинг туман, шаҳар босқичи якуни ҳақидаги маълумотнома билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссияларига тақдим этадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссиялари тегишли туман, шаҳар комиссиялари тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб, биринчи ўринни эгаллаган Яраштириш комиссияси фаолиятига оид ҳужжатларни кўрик-танловнинг вилоят босқичи якуни тўғрисидаги маълумотнома, масъул ташкилотларнинг қўшма қарори билан бирга, барча бирламчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда Республика кўрик-танлов комиссиясига киритади. Республика кўрик-танлов ҳайъати тақдим этилган ҳужжатларни Низом шартлари асосида кўриб чиқади ва ҳудудлар бўйича ғолибларни аниқлайди.

Республика кўрик-танлови ғолибларининг иш фаолиятига доир кўргазмалар белгиланган тартибда ташкил этилади. Ғолиблар «Mahalla» газетасида эълон қилинади ва уларнинг иш тажрибалари кенг оммалаштирилади.

VI. Ғолибларни тақдирлаш

Барча босқичларда кўрик-танлов иштирокчиларини қуйидаги масъул ташкилот бўлим ва бўлинмалари вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолайди.

«Маҳалла» жамғармаси;
хотин-қизлар қўмитаси;
ички ишлар идоралари;
адлия бўлимлари;
диний идоралар;
"Оила" маркази.

1-босқич: туман (шаҳар) босқичида аниқланган ғолиблар «Маҳалла» жамғармаси, ички ишлар ва хотин-қизлар қўмитаси туман (шаҳар) бўлимлари томонидан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан ҳамда ҳудуд шароитидан келиб чиқиб, ҳомийлар жалб этилган ҳолда рағбатлантирилади.

2-босқич: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичида аниқланган ғолиблар «Маҳалла» жамғармаси, ички ишлар ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

3-босқич: Республика кўрик-танлови ғолиблари Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, Хотин-қизлар қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг Дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади.

Спорт

ҒАЙРАТНИНГ ЯНА БИР ҒАЛАБАСИ

Россияда ўтган профессионал бокс кечасида Ғайрат Абдуҳакимов навбатдаги рейтинг жангини ўтказди.



Йигирма тўрт ёшли боксчимизнинг бу галги рақиби профессионал рингга ўттиз биринчи маротаба кўтарилган Россия вакили Марсель Қосимов бўлди. У Ғайратнинг тезкор ва аниқ зарбаларига етарлича қаршилик кўрсатолмади. Натижада беллашув ҳамюртимизнинг ғалабаси билан якунланди.

Эслатиб ўтамиз, профессионал боксчилик фаолиятини 2005 йилнинг охирида бошлаган Ғайрат Абдуҳакимов шу кунгача олтита жанг ўтказиб, уларнинг барчасида зафар қучган ва учта беллашувда муддатидан олдин ғолиб чиққан.

ТЕННИСЧИМИЗ – ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБАСИ

Ҳиндистонда Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги халқаро теннис турнирининг жуфтлик беллашувлари ўзбекистонлик Александра Колесниченко ғалабаси билан якунланди.

У ҳиндистонлик Пужашри Венкатеша билан бирга ярим финалда индонезиялик теннисчилар – Беатрис Гумуля ва Жесси Ромпиесдан иборат кучли дуэтни 6:3, 6:1 ҳисобида доғда қолдирди.

Мусобақа бош соврини учун ўтказилган баҳсда А.Колесниченко ва П.Венкатеша Японияда келган Мияби Иною ҳамда Аки Ямасото билан куч синашди. Беллашувда 6:3, 6:3 ҳисобида зафар қучган Александра Колесниченко ҳиндистонлик дугонаси билан бирга халқаро турнирнинг жуфтликлар беллашувида бош соврин соҳибаси бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Кадриятларимиз қадр топмоқда

Хоразм вилояти

«ЖАВОҲИР»ДӘ ЖАМЛАНГАН МЕРОС

жаҳоннинг ўттизга яқин мамлакатларидаги бахшичилик санъати ихлосмандларига туҳфа бўлди

Хоразмлик машҳур Бола бахши — Қурбоннназар Абдуллаевнинг фарзанди, Ўзбекистон халқ бахшиси Норбек Абдуллаев ижросидаги қўшиқлар матни ёзилган «Жавоҳир» номли компакт-диск жаҳоннинг ўттизга яқин мамлакатларидаги бахшичилик санъати ихлосмандлари қўлига етиб борди.

— Қўшиқлар ёзилган дискни қандай номлаш ҳақида кўп ўйлаб ўтирмадим, — дейди Норбек бахши. — Уни «Жавоҳир» деб номлашни таклиф этдим. Ахир асрлар оша бизгача етиб келган, юракларга жўшқинлик, қалбларга шодлик бахш этувчи мерос қўшиқларни жавоҳирдан бошқа яна нимага қиёс қилиш мумкин?! Раҳматли падари бузрукворимиз ҳам халқ термалари, лапар, ялла, достон қўшиқларини ҳақиқий дурдона, жавоҳир деб атар эдилар. Шу номни танлаб, мени бахшичилик йўлига бошлаган отамнинг руҳини ҳам шод этган бўлсам ажаб эмас.

Дарвоқе, Норбек бахшининг отаси Қурбоннназар Абдуллаев Хоразм достончилик мактабининг асосчиларидан бири. У олти ёшлигидан қўшиқ куйлаб, «Бола бахши» номи билан машҳур бўлган. Норбек бахши отасидан ўрганган 40 дан ошиқ достон ва достон-қўшиқларни маҳорат билан куйлаб келмоқда. У достончилик йўналиши бўйича Ўрта Осиё, Доғистон, Озарбайжон ва Кавказда ўтказилган нуфузли танловлар ғолиби. Қолаверса, Украина, Россия, Қирғизистон, Япония, Корея Республикаси, Бельгия, Германия каби мамлакатларда ижодий сафарларда бўлиб, Хоразм бахшичилиги довруғини дунёга таратган ноёб истеъдод эгаси.

Норбек Абдуллаев 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра, «Ўзбекистон халқ бахшиси» унвонига мушарраф бўлган эди. Ҳозирда у Хива шаҳридаги ўзи ташкил қилган «Достон» фольклор-этнографик дастасига етакчилик қилиб келаётир.

— Фольклор сўзи «халқ донолиги», «халқ билимдонлиги» каби маъноларни англатади. Фольклор асарларда халқ ҳаёти, олам ва одам ҳақида тушунчалар, халқнинг оғир, машаққатли ўтмиши билан бирга ёрқин келажаги, бахтли ҳаёти, асрий орзу-армонлари, истак-умидлари акс этади, — дейди Норбек бахши. — Фольклор қўшиқларда асосан дўстлик, тинчлик, меҳр-оқибат, садоқат, ватанпарварлик ғоялари тараннум этилади. Мардлик, жасорат, ростгўйлик улуғланади.

Норбек Абдуллаевнинг 14 та қўшиқдан иборат «Жавоҳир» деб номланган диски бельгиялик мусиқашунос, жаноб Эди томонидан ёзиб олинган. Ҳозирда ўзбек бахшичилиги шайдоларининг талабларига биноан мазкур тўпламни кўпайтирилган нусхада қайта тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун жаноб Эди Норбек Абдуллаев билан ўзаро шартнома асосида иш олиб боряпти. Айтиш жоизки, ушбу компакт-дискдан «Ғариб-Шоҳсанам», «Гўрўғли», «Ошиқ Маҳмуд», «Хирмондали», «Бозиргон» достонларидан парчалар, «Пешров», «Алиқамбар» куйлари, халқ термалари ва Норбек бахшининг ўз ижодидан намуналар ўрин олган.

Шу кунларда Норбек бахши Абдуллаев Хоразм достонларини тўлиқ ҳолда дискларга ёзиб олиш устида изланишлар олиб боряпти. Шунингдек, у ўзи яшаётган Тозабоғ маҳалласида ёш достончилар ҳаваскорлик жамоасини ташкил қилиш ниятида.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда ҳамкорлар билан янги лойиҳаларни муҳокама қиласиз. Яқин кишингизнинг ғамхўрлиги ва эътибори қалбингизга илиқлик бағишлайди.

СИГИР(22.04-20.05)

Барча эзгу ниятларингиз амалга ошиши эҳтимоли бор. Фаол ҳаракатингиз натижаси ўлароқ, иш жараёнидаги муаммоларингизни осонгина ҳал қиласиз.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Чоршанба ва пайшанба кунлари осуда ўтади. Бу ортга суриб бўлмайдиган ишларингизни бажаришга имкон яратади. Шахсий ҳаётингизда ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Ушбу бурж вакилларининг ишдаги ортиқча фаоллиги турли низоларни келтириб чиқариши мумкин. Муҳим қарорлар қабул қилишдан олдин яқинларингиз билан фикрлашинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ақл-фаросат ва салоҳиятингиз келажакда катта ютуқларга эришишда сизга имкониятлар эшигини очади. Ҳафта тадбиркорлик билан шуғулланиш учун қулай.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Дўстларингиз томонидан бўладиган таклифларни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилинг. Бу ҳамкорлик мўмай даромад келтириши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Айни кунларда яқинларингиз ва дўстларингизни муаммоларингиз билан зериктириб қўйманг. Бу билан уларни фақат ўзингиздан узоқлаштиришингиз мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ҳафта хизмат сафари ёки оилангиз билан бўладиган саёҳат учун омадли келади. Ортиқча гап-сўз дўстлар билан муносабатларингизга чек қўйишга мажбур қилади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Айни пайтда сизнинг фикрингиз яқин инсонларингиз ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин. Кўл остингизда ишлаётган ходимларга нисбатан қаттиққўлроқ бўлишингиз талаб этилади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Иқтисодий жиҳатдан рақобатда ютуқларга эришишингиз учун етарли шароитга эга бўласиз. Оилавий муносабатларда хушмуомала бўлинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Бу ҳафта тасодифларга бой бўлиши кутилмоқда. Асосий диққат-эътиборингизни фарзандларингиз тарбиясига қаратинг. Дўстларингиз ўртасида обрў-эътиборингизни сақлаб қолишга интилинг.

БАЛИК (19.02-20.03)

Табиат қўйнида сайр этиш шу кунлардаги тушкун кайфиятингизни кўтаришга ёрдам беради. Соғлиғингиз бироз безовта қилиши мумкин, спорт билан мунтазам шуғулланиб туринг.

Бирма давлатининг пойтахти Рангунда жаҳон меъморчилик санъатининг нодир обидаларидан бири — Шве Дагон будда ибодатхонаси жойлашган. Ушбу ибодатхона бунёд этилганига тўрт асрдан кўпроқ вақт бўлган бўлса ҳам, ҳозиргача у ўз тароватини йўқотгани йўқ.

ОЛТИН ҚАСР

Қўнғироқ шаклида тошдан нафис қилиб ишланган бу иншоот сидирғаси соф олтин билан қопланган. Бино «олтин совути»нинг умумий оғирлиги 30 тоннадан ортиқроқдир.

Бинонинг айвонга ўхшатиб ишланган энг пастки қаватида 64 та ибодатхона жойлашган бўлиб, уларнинг сиртига ҳам олтиндан ишлов берилган.

Минорага ўрнатилган найза учидаги шар 5 мингта жавоҳир ва 1500 та бошқа хилдаги қимматбаҳо тошлар билан нафис қилиб безатилган. Найза остидаги 7 қават зонтга ҳам олмос, қизил ёқут ва зумраддан жило берилган. 106 метр баландликка бўй чўзган бу ибодатхонанинг айланаси 446 метрни ташкил этади.

Шве Дагон ибодатхонаси XVI асрдан то шу кунга қадар 9 марта кучли зилзиладан зарар кўрган. Лекин ана шу талофатлардан сўнг бу санъат дурдонаси бирмалик қўлигул усталар томонидан моҳирлик билан таъмирланган.

Шве Дагон ибодатхонаси бирмаликларнинг маданий мероси, миллий ифтихори ҳисобланади. Шу боис, уни кўз қорачиғидай авайлаб асрашади.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Тошкент вилояти

Ибратли ўгитлари, турмушга оид қизиқарли ҳикоялари билан бизга сабоқ бергувчи нуроний отахон ва онахонларимиз уйимизнинг файзи. Уларни ҳар қанча қадрласак, дуоларини олсак арзийди. Юртимизда улуғ ёшларга етиб, авлодлари ардоғида яшаётган пиру бадавлат кексалар кўп топилади. Улардан бири Янгийўл туманидаги Бўзсув маҳалласилик 103 ёшли Солиҳа момо Валиевадир. Маҳалла аҳли табаррук онахонни тез-тез зиёрат қилиб туради.

СУРАТДА: *«Маҳалла» жамғармаси Янгийўл тумани бўлинмаси раиси Азим Жўраев ва бир гуруҳ бўзсувликлар билан Солиҳа момо ҳузурида.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Доноларнинг дурдона фикрлари

Ақлли киши кўнглига нима маъқул тушса, кетидан чопмай, нима уни кўнгилсизликлардан қутқарса, ўшанинг кетидан қувади.

АРАСТУ

Бу куннинг тадбири сабабли эртанинг тадбирига эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир, яъни у киши эртанинг тадбирини ҳам албатта кўражак.

БЕРУНИЙ

Доноликдан қуйидаги уч фазилат келиб чиқади: мақбул қарорга келиш, бехато сўзлаш ва лозим бўлган ишни қилиш.

ДЕМОКРИТ

Кишида тавозе ақлдан дарак,
Улуғлик карамдан топади безак.

Носир ХИСРАВ

Олижанобликдан маҳрум ботирлик ва иззатталаблик инсонни золимга ёки қароқчига айлантириши мумкин.

Давид ЮМ

Бунисига нима дейсиз?

«Жамият ва Мен — 2008» танловига

ҚЎШИҚҚА ЎХШАМАГАН ҚЎШИҚ

...Дам олиш куни одатдагидек радио овозини баландлатиб қўйиб, рўзғор юмушларига тутиндим. Эфирда турли мавзу ва савиядаги қўшиқлар жаранглади. Навбатдаги қўшиқ (агар уни қўшиқ деб бўлса) ...кундошлар ҳақида экан:

Кундошлар ноз этади,
Тинмай пардоз этади.
Аслида бир ёр сизнинг
Иккингизга етади.

Ҳайрон бўлдим, муҳаббат бозорда сотиладиган матоҳ ёки егулик-мидики, икки киши уни ўзаро бўлишиб олса? Хонанда чиранганча кундошларни муросага, аҳил-иноқ яшашга ундар, "келишганга кенг дунё, талашганга тор дунё" дея панд-насиҳат қиларди. Ё тавба, қўшхотинлилик жамиятда қоралангган, қонунан тақиқланган бўлса-ю, бу ёқда хонандамиз уни ёқлаб, кундошларни келиштириш билан овора бўлса? Гўёки, бу дунё, ҳеч бўлмаса, хонанданинг атрофи кўп хотинлилар билан ғиж-ғиж тўла-ю, битта ёр билан яшаётганлар эса анқонинг уруғи! У ҳода дунёда муҳаббат ва садоқатга ўрин қолмабди-да, деган хулоса келиб чиқмайдими?

Аслида иккингиз ҳам
Қўш қанотсиз бир қушга.

Қисматингиз ўхшамас
Зайнаб билан Кумушга...

Ана холос! Наҳотки қўшхотинли эркак қўш қанотли бўлса? Унда умрини битта аёл билан боғлаб, оиласи, фарзандлари учун фидойи эркакларни нима дейишимиз керак? Демак, улар бир қанотидан маҳрум ҳолда, яъни бир кам дунё, деб ўксиниб яшаётган эканлар-да! Кундошларга қисматингиз Зайнаб билан Кумушга ўхшамайди, деб кафолат берилишига нима дейсиз? Ахир Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар" романида, Кумуш қабри устидаги ёдгорлик тошига ўйиб ёзилган "Бу лавҳа бир дилпорадан хуснн санамига ёдгордир. Бунда мадфун кундаш балосининг намоён бир қурбонидир", деган жумлаларда бундан салкам бир аср бурун кундошлик балосининг фожиаси ва даҳшатини кўрсатган. "Кундошликка кун туғмас, туғса ҳам бутун туғмас", "Кундошнинг кўрган куни қурсин" каби мақоллар ҳам халқнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари асосида пайдо бўлмаганми, ахир?

Тўғри, орамизда "Дид-савияси, овозию мусиқий билими ҳаминқадар, шунинг оқибати ўлароқ қўшиқлари тутуруқсиз қўшиқчилар сон мингтаку", дея фикр билдирувчилар ҳам йўқ эмас. Саёз ва енгил-елпи қўшиқларнинг ҳар бирини матни мазмуни, ижро сифати юзасидан таҳлил-танқид қилиш мумкин. Лекин юқоридаги қўшиқ мазмуни нафақат маънавиятимизга зид, балки унда тубанликка хайрихоҳлик бордек, назаримизда.

Наҳотки матн муаллифи ва хонанда ўз ижодий фаолиятига шунчалик масъулиятсиз бўлса?

Радиостанцияларга қўнғироқ қилиб билдикки, бу қўшиқ ижрочиси хонанда Улуғбек Раҳматуллаев бўлиб, қўшиқ илк бор 1 апрелда ҳазил-қўшиқ сифатида эфирга узатилган. Ахир ҳазил-мутойиба куни бир кунгина, у ҳам ўтди-кетди, қўшиқ эса эфирда радиобошловчилар таъбири билан айтганда, ҳамон "жаранг сочмоқда"! Бундан ташқари, қўшиқ умуман ҳазил-мутойибабоп мавзуда эмас. Буни нафақат қўшиқ муаллифлари, балки FM радиостанцияларининг муҳаррирлари ҳам эътиборга олишлари лозим эди. Ахир радиотингловчиларнинг асосини ёшлар ташкил этишини эътиборга олсак, бу каби қўшиқлар маънавиятимизни ўстиришга эмас, балки дидсизликка, ҳаётга енгил-елпи қарашга ўргатмайдими? Бу қўшиқдан келадиган мана шу маънавий зарар бизни кўпроқ ўйлантиради, аслида.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА



Мўъжизакор дунё

ТОШ ДАВРИнинг ТОШЛАРИ

Австралиянинг ғарбий қисмидаги Хоуп Даунс темир кони ҳудудида қадимшунослар томонидан палеолит даврига тегишли, яъни 35 минг йил илгариги тош буюмлар хазинаси топилди.

Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, мазкур буюмларнинг ёши радиоуглерод таҳлиллари натижасида аниқланган. Олимларнинг тахминича, бундан кейинги қазилма ишлари янада самаралироқ натижа бериши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Австралия археологияси тарихида муҳим аҳамиятга молик бўлган ушбу хазина бир неча минг йиллар давомида аборигенлар томонидан фойдаланиб келинган ғордан топилган.

Аслида, Хоуп Даунс кони Rio Tinto тоғ-кон қазилма компаниясига тегишли. Бироқ компания вакиллари The Age нашрига берган интервьюсида қадимий мажмуани қадимшунослар ихтиёрига топшириш учун қурилиш лойиҳасини ўзгартиришга тайёр эканликларини билдиришган.

АСАЛАРИЛАР билан "ТЎҚНАШУВ"

Fox Newsнинг хабар беришича, Мексиканинг Тапачула шаҳрида қарийб 70 нафар полициячи асаларилар билан бўлган "тўқнашув"дан сўнг шифохонага ётқизилган.

Маълум бўлишича, полиция офицерлари машғулот ўтказаётган пайтда улардан бири ари уясига тегиб кетади. Бундан безовталанган арилар ўз уясини ҳимоя қила бошлашади. Газабланган ҳашаротлар полициячиларнинг ортидан қувиб, уларнинг етмиш нафарини чақишга улгурди. Шифокорлар томонидан 10 нафар полициячининг аҳволи оғир деб баҳоланмоқда.

Тошкент ш. М.Улуғбек тумани Олтинтепа-5 маҳалла фуқаролар йиғинининг мухри йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный круглый печать выданный на ООО «DEZA» Шайхантахурского р-на г. Ташкента считать недействительным.

Тошкент ш. Хамза туманидаги 156-ўрта мактаб томонидан 26.06.1987 йилда Назиров Мансур Азмутдинович номига берилган Д 357777 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Представительство FINCA International Inc. (ИНН: 204574299 зарегистрированный ГНИ Яккасарайского р-на 13.06.2003). Яккасарайского р-на г.Ташкента ликвидируется.
Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации. По телефону: 120-47-78.

Представительство ACDI/VOCA (ИНН: 204351140, зарегистрированный ГНИ Яккасарайского р-на 13.02.2003). Яккасарайского р-на г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации по телефону 120-47-78.

«Бухоро-Коракул» очиқ турдаги акциядорлик жамияти Акциядорлар диққатига!
«Бухоро-Коракул» акциядорлик жамиятининг акциядорлар Умумий йиғилиши 2008 йил 30 апрель соат 12:00-га қолдирилди. Йиғилишга барча акциядорлар таклиф қилинади. Умумий йиғилишга акциядорлар ўз ҳужжатлари билан келишлари шарт.
Маъмурият

Mahalla
2008 йил 16 апрель 16 (618)

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ: Шаҳноза Абдувалиева
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

17875 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-320 Топширилди — 23.15
1 2 3 4 6